

ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Соибназарова Муқаддас Норпўлатовна – катта ўқитувчи Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақолада Баркамол авлодни тарбиялашда умуминсоний қадриятларни ҳар томонлама етук, мукамал, ахлоқий пок, маънавий устивор жиҳатларини улар онгига сингдириш иймон эътиқоди бутун, ўз халқи, Ватанига фидоий шахс этиб тарбиялаш ҳақида.

Калит сўзлар: комил инсон тарбияси, маънавий мерос, маънавий омиллар.

Ёш авлодни ахлоқий, ақлий жисмоний жиҳатдан баркамол шахс этиб тарбиялаб вояга йтказиш асрлар давомида инсониятнинг илғор намаёндалари ўртасида жиддий мунозарларни келтириб чиқазган ҳамда муҳим масалалардан бири бўлган. Бу ҳақида кўплаб ҳоялар яратилиб, илгари сурилди. Олийжаноб фазилатли йетук шахсни гоҳо ой, гоҳо қуёшга ўхшатилади. Баркамол инсонни тарбиялаш ҳозирги замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Баркамол авлодни тарбиялашда умуминсоний қадриятларни ҳар тамомлама йетук, мукамал, ахлоқий пок, маънавий устивор жиҳатларини улар онгига сингдириш, имон-еътиқод бутун, ўз халқи, ўз ватанига фидоий шахс этиб тарбиялашга еътибор бериш зарур. Илгари одимлаб бораётган ватанимизда ёшлар сидқидилдан билимли, салоҳияти бўлиб тараққиётнинг ривожланишга улкан ҳисса қўшмоқдалар. Шахсни баркамолликка йетакловчи куч бу маърифатдир. Инсон учун зарур бўлган ижобий фазилатлар саҳийлик, сабрлилик, камтарлилик, ҳамжиҳатлик инсоннинг олий кўрки ҳамда руҳий таянчидир.

Аждодларимиз тамал тошни қўйган пиллапоялардан ёшлар юқори чўққиларга кўтарилмоқда. Уларга асосан аждодларимизнинг яъни улуғ мутафаккирларимизнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ёшлар онгига таъсири муҳим бўлмоқда. Мутафаккирларимиз Абу Райҳон Беруний таърифлашганидек баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим мақсадлари: яъни ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, нафосат тарбияси, жисмоний тарбия ҳамда соғломлаштириш тарбияси, меҳнат тарбияси байналминал тарбияси, ватанпарварлик тарбияси, ва оила тарбияси турларига амал қилмоқдалар. Айни дамда ёш авлоднинг олдида турган асосий долзарб масалалардир. Юртсевар, олийжаноб, дўстона, адолатлик, ҳалол бўлишдек фазилатларга эга бўлиш келажак авлоднинг мақсадидир. Ҳар томонлама ривожланган етук шахсни жамиятдаги ўрни ва фаолияти муҳим. Алломалар эътироф этган жисмоний тарбия борасидаги тавсияларда соғлом турмуш тарзи кун тартибини тўғри уюштириш, спорт билан шуғулланиш, тана аъзоларини чиниқтириш назарда тутилади. Ахлоқий тарбия орқали одоб ахлоқ борасидаги баҳс мунозаралар ташкилланиб ўтказилмоқда. Ахлоқий тарбия манбаига айланмоқда. Ахлоқий баркамол инсон маънавий ҳаловатдан

мамнун бўлса яъни қаноат қилса уларнинг иродаси кучлидир.¹ Инсонда адолатлилик афзаллик, бурч каби юксак хислатларни шакллантириш учун кўплаб чора тадбирлар олиб берилмоқда.

Нафосат тарбияси оқали ёшларнинг санъатга оид иқтидор қобилиятлари ўсмоқда. Ҳаёт табиат гўзалликларини ўзида намоён этган, уларни тушуниш улардан оқилона фойдаланишга эътибор берилмоқда. Айнан нафосат тарбияси орқали халқимизнинг маданият қираларини ўз билимлари билан дунёга танитмоқдалар. Шу аснода турли саъат соҳасидаги танловларда иштирок этмоқдалар. Ақлий тарбия бериш билан ёш авлодни билим олишга қизиқтириб, фан техника, маданий соҳасидаги билимларини кенгайтирилмоқда. Ахлоқ одоб борасидаги тадбирларда айнан мутафаккирларнинг меросига мурожаат этган ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар музокараларнинг ўтказилиши ҳам нечоғлик уларга бўлган ҳурмат эҳтиромнинг яққол намунаси дир. Ақлий тарбия борасида ёшларнинг илмий изланишлар тадқиқотчилик фаолияти билан шуғуллаганишга, илм-фан ютуқлардан фойдаланишга эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ёшларимиз ҳам ўзлари буюк кашфиётлар, ихтиролар устида тинмай изланишлар олиб борилмоқда.

Давлат раҳбарларимиз томонидан озод юртнинг хур фикрли ворисларини тарбиялаш-нинг ўзига хос дастурул амалий тавсияларини яратиш тадбирлари кўлланиб келинмоқда. Бунинг учун давлат раҳбарларининг “Маънавий ва маърифат, маданият ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ҳамда янгича тус олаётган жамиятимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир”.²-деган фикрларини ёодга олиш кифоядир. Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ равшан ютиқларни муваффақиятли деб хисобламоқ жоиз.

Халқнинг маънавияти, маданияти унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги; Жамиятимизнинг тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса белгиловчи аҳамиятга эгадир. Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги жаҳон маданияти ютуқларига зўр хисса қўшган буюк аждодларимизнинг маънавий ва маданий мероси чуқур англамоқда.

Ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига олийжаноб миллий, маданий, диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраш айни чоғда ҳозирги замон жаҳон тараққиёти ва маънавияти кадрятларини ўзлаштириш муҳим манбалардандир. Халқимиз ўзининг миллий ўзлигини англаб етди. Ёш авлод буюк аждодларимизга муносиб бўлиш борасида интилишларини таъкидлаш

¹Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: 1997. 39-бет.

²Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016 й.

даркор бирор бир жамият маънавий имкониятларини инсонлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларини ривожлантирмай туриб ўз исдиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятларини маънавий мероси асрлар мобайнида нафақат Шарқ халқлари учун балки Ғарб халқлари учун кудратли манба бўлиб хизмат қилади. аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди. Маънавий қадриятларни тиклаш, миллий ўзликни англаш халқнинг маънавий сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён дир.

Халқимиз ўз тақдирини чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори ҳамда ўзига хос миллий маданиятнинг соҳибига айланди. Маънавий қадриятларни тикланиши ҳозирги замон тараққиётининг мослашишини англатади. Ахлоқ ва маънавият ҳар бин инсоннинг фикри, зикрида бўлиши керак. Юксак даражадаги ахлоқий фуқарони вояга етказиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Маънавий тикланиш-инсонларнинг фикрлаш тарзини ўзгариши мустақиллик руҳи белгилаб берадиган янги авлодга муносиб зиёлиларнинг пайдо бўлиши демак дир. Халқнинг келажаги, маънавий кудрати миллий онгининг ижодик кучига боғлиқ. Маънавий, ақлий ахлоқий ўсиш ҳамда ривожланишга ҳеч қандай нарса тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбек халқи авлодан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларни, ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга мувофиқ бўлди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланди. Буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган бой, маданий, маънавий мероси, жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, фуқаролар онгини янада шакллантириб юборди. Баркамол авлодни улғайтириш учун алломаларнинг ўғитлари дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон деб аталмиш диёримизда билимли, салоҳиятларни ёшларнинг нуфузи ошиб бормоқда. Ҳар бир ёшларнинг ғоя ва мақсадлари етук чўққиларни забт этишдан иборат.

Илгари одимлаб бораётган Ўзбекистонда ёшлар билимли бўлиб камол топмоқдалар. Давлатимизнинг ривожланиб дунё мамлакатлари сафидан ўрин эгаллашга сидқидилдан кўмаклашмоқдалар. Албатта ишонч эътиқод бор жойда ташаббускорлик ҳамда бунёдкорлик фаолияти бўлади. Инсон аввало маънавий етукликка эришмоғи даркор.

Халқимиз тарихида маънавий – маърифий юксалишлар ҳамма вақит ҳам куллаб –қувватланмаган, айрим ҳолларда кескин қаршиликларга дуч келинган. Онгли равишда минг йиллардан бери шакллантирилиб, ривожлантирилиб келинаётган миллий-маънавий қадриятларни халқ онгидан, хотирасидан, қалбидан ўчиришга ҳаракат қилинган.

Бироқ халқнинг азалий орзуси ҳеч қачон унинг қалбидан ўчмаган. Халқ доимо ўз фарзандларини ота-боболар ўғит, панд-насихатлари, урф-одатлари, анъаналари асосан пинҳона бўлсада тарбиялаган. Уни тўла қонли амалга ошириш эса мустақилликнинг илк кунларидан бошлади.

Юқорида қайт қилган манбалардан шунди хулоса қилиш мумкункий, шу заминда яшаб дунё тарақиётига ҳисса қўшган аломаларимиз шак-шубҳасих дунё илм аҳли тан олгандек буюк семолардир.

Мана шундий буюк алломаларнинг ишларини янада бойитиб, тўлдириб, сайқаллаштириб, бутун дунё тарақиётига ҳисса қўшаётган олимлар ва уларнинг фарзандлар, шогирдлари буюк боболаримизнинг издошлари ҳисобланади.

Талаба-ёшларимизни миллий маънавий қадирятлар билан бойитишда “Аесто” номли китоб билан бирга “Куръони Карим” китоби ва “Хадиси Шаъриф” номли муқадас китобларнинг ахамияти биқиёс. Ҳар бир шахснинг, жамиятнинг равнақ топишда ахлоқнинг асосий роли тасвирланади. Зеро, жамият аъзоси бўлган ҳар бир кишининг ахлоқсизлиги жамиятга қайдаржада зарар етказса, яхши ахлоқли кишилар унинг равнқига шунча ҳисса қўшадилар.

Маънавий юксалишга эришиш йиллар давомида давом этаверар экан. Маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар пайдо бўлаверади. Ўзбекистон деб аталмиш давлатимиз тарақиёт зиналаридан янги чўққилар сари одимлаб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёе Ш.М. Буюк келажгимиз мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қудратмиз. “Ўзбекистон” 2017 й.
2. Мирзиёе Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016 й.
3. Маънавият юлдузлари. Т.А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999 й.
4. Хасанбоев Ж. Тўрақулов Х, Хайдаров М, Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т. Фан ва технология. 2008 й.
5. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: 1971. 38-бет.
6. Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: 1997. 39-бет.
7. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: 1993. 187-бет.
8. Soibnazarova, M. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ТРУДА АБДУРАУФА ФИТРАТА В ОБРАЗОВАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5100>
9. Soibnazarova, M. (2022). ПРОЯВЛЕНИЕ ИДЕИ ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АБДУЛҲАМИДАЧУЛПАНА. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5101>
10. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746> (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

11.Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании

12.Isoqulov, M. (2021). ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari, (2). Retrieved from <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3018>

13.Шарафитдинов А. и др. Проблема застенчивости у ребенка и ее устранение //Образование и воспитание. –2020. –№. 2. –С. 64-66.

12.Шарафитдинов А. и др. Формирование у учеников чувства общности //Образование и воспитание. –2020. –№. 2. –С. 66-67

14.Маджидов Дж Б, Маджидова В, Шарофиддинов А. Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе.страницы: 22-24 источник: актуальные вопросы современной психологии материалы международной научной конференции. 2017

15.Sharaffitdinov, A., & Yusupov, U. (2022). The opportunities of educating morality for children through samples of folklore. Eurasian Scientific Herald, 5, 65-68.

16.Sharaffitdinov Abdulla, Qurbonboyev Miraziz Zulxaydar o'g'li Psychological Characteristics of DecisionMaking in Management Global Scientific Review A Peer Reviewed, Open Access, International Journal www.scienticreview.com Volume 1, February 2022 ISSN (E): Pending

17.Sharofitdinov, A. (2022). BOSHQARUV JARAYONIDA QAROR QABUL QILISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5405>